



ISSN 2181-9297
DOI 10.26739/2181-9297

СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

№4 (2019)

TOSHKENT-2019

ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ОИД АРАБИЗМЛАРНИНГ ЎРНИ

Рашидова Наргиза Бахтияровна,

Шарқ тиллари кафедраси, Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети

e-mail: margiza78@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ўзбек тилшунослиги ўзбек тилининг табиати, унинг бойиш ва ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича катта ютуқларга эришди. Ўзбек тилининг барча сатҳлари маълум даражада ўрганилган. Бу тилдаги икки муҳим сатҳ ҳисобланган: луғавий бойлиги ва сўз ясашиш соҳасида ўз аксини топган. Тилнинг луғавий таркиби ривожланиши ва бойишида икки асосий манба муҳим роль ўйнайди. Бири тилнинг ички қонуниятларига асосланиб, янги сўзлар ясаш бўлса, иккинчиси ўзга тиллардан сўз ўзлаштиришдир. Мазкур ҳолатлар маълум бир эҳтиёж, зарурият туфайли амалга ошади ва у мураккаб жараён ҳисобланади. Бунда турли ҳил лисоний ва экстралингвистик омиллар амал қилади. Шунинг учун ўзбек тилининг лексик сатҳида ҳали ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Шулар қаторида ўзбек тили лексик қатламида алоҳида майдонни ташкил этган таълим соҳасидаги арабизмларнинг семантик хусусиятларини ўрганиш масаласидир. Ўзлашма сўзларнинг семантик тузилишидаги хусусиятларини ўрганиш, тилларнинг ўзаро таъсири масаласини ёритишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзлашган сўзларнинг маъноларини бош маънодан ташқари яна бир неча ясама маъноларга эга бўлиши сўзлардаги маъно тараққиёти қонуниларига асосланади. Ўзга тилга ўтган сўзларнинг семантик мослашуви, унинг ўзлашган тилда қолишини ёки чиқиб кетишини ҳал қилиб беради. Семантик мослашувга тўлиқ эришилгандагина, унинг бегоналиги унутилади. Мазкур мақолада таълим соҳасига оид арабизмларнинг классификацияси тузилган ва уларнинг тизимга солиниши, ўрганилиши ва семантик мослашув масалалари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: арабизмлар, таълим соҳаси, классификация, абстракт ва конкрет маънолар, семантик мослашув, таълим муассасалари, таълим жараёнлари, мансаб, касб-хунар, фуқоралик фаолият.

РОЛЬ АРАБИЗМОВ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Рашидова Наргиза Бахтияровна,

Кафедра восточных языков, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

e-mail: margiza78@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Узбекское языкознание достигло больших успехов в развитии и обогащении языка. Все уровни языка были изучены в определенной степени. Это применительно к теоретическим и практическим вопросам словообразования узбекского языка и заимствованию. Эти два принципа являются основным источником развития языка. Здесь также наблюдается влияние лингвистических и экстралингвистических факторов. Поэтому вопрос словарного состава узбекского языка все еще открыт. На пути решения этих проблем, возникла необходимость изучения арабизмов сферы образования в семантическом плане и выявления их особенностей. Изучение особенностей семантического строения арабизмов приводит к подробному ознакомлению взаимодействия двух языков. Расширение значений заимствований в языке,

свидетельствует о развитии принципов словообразования. Семантическая ассимиляция заимствований, указывает либо на ее полное освоение, либо на отречение из языка. Достигнув полной ассимиляции заимствованное слово, считается своим. Данная статья рассматривает классификацию арабизмов сферы образования, структурную и семантическую особенности, также их семантическую ассимиляцию.

Ключевые слова: арабизмы, сфера образования, классификация, абстрактное и конкретное значение, семантическая ассимиляция, учреждения сферы образования, процессы, протекающие в сфере образования, звание, должность, полная ассимиляция.

ROLE OF ARABISMS IN THE SPHERE OF EDUCATION IN UZBEK LANGUAGE

Rashidova Nargiza Bakhtiyarovna

Department of Oriental Languages, Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi e-mail: margiza78@mail.ru

ANNOTATION

Uzbek linguistics has reached significant successes and development in enrichment of vocabularies. All levels of the language have been studied to a certain extent. It refers to theoretical and practical issues of word formation in Uzbek language and loanwords. These two principles are the main source of language development. In this case, linguistic and extra-linguistic factors' influence is also observed. Therefore, the issue of Uzbek language vocabulary still needs deeper researches. In solving these issues, one of the necessities is studying Arabisms in education field semantically and identifying their features. Studying main features of the semantic structure of Arabisms brings into detailed introduction of two languages' mutual interaction. Widening of loanword's meaning in a language can be a sign of development of word formation principles. Semantical assimilation of the loanwords indicates either completely loaned loanwords or repudiation from a language. Fully assimilated loanwords are considered to be borrower language's own word. This article will discuss classification of Arabism's in education field, structural and semantical features, as well as their semantical assimilation.

Key words: Arabisms, education field, classification, abstract and concrete meaning, semantical assimilation, educational institutions, processes in education field, title, position, full assimilation.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида таълим соҳасидаги арабизмларни ажратиш, уларнинг семантик тараққиётини аниқлаш ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида илк маротаба таълим соҳасидаги арабизмлар систем-структур нуқтаи назардан ёндашилади. Арабизмлар деб бирлаштирилган тизимдаги лексик бирликлар компонент таҳлил қилинади. Ўзлашган арабизмларда рўй берган семантик ўзгаришларни аниқлаш ва таснифлаш асосий вазифа қилиб олинди. Араб тилидан

ўзлашган сўзларни ўзига хос луғавиймаъновий тизим сифатида ўрганиш, лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш ҳамда таснифлаш ва арабча ўзлашмаларни луғавийграмматик категория (сўз туркумларига) кўра сўз яшаш жараёнларини аниқлаш каби масалалар қўйилди.

Арабча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили сўз яшалишида ясовчи асос сифатида иштирок этиши ва ўзлашган лексик бирликларни тадқиқ этиш объект

ҳисобланади. Асосий манба бўлиб, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (5 жилдлик. Тошкент, 20062008 йиллар) ва баъзи таълимга оид ҳужжатлар ҳисобланади.

Усуллар

Тадқиқот давомида қиёсий методдан фойдаланилди. Мазкур метод орқали ўзбек тилига ўзлашган арабий сўзларни қиёсан таҳлил қилиш назарда тутилган. Ўзлашмалар ўз тилида қайси маънони ифодалашни, ўзлашган тилда қайси маънони бериши таҳлил қилинган. Ўз тилидаги лексик бирликлар турли сўз туркумларига оид бўлса, ўзлашган тилда эса, фақат от сўз туркумига оид. Шунингдек арабизмлар абстракт ва конкрет маъноларга эга ҳисобланади. Уларни батафсил ўрганишда қиёслаш усули муҳим аҳамият касб этади.

Натижалар ва мунозара

Ҳар қандай тил ўз сўз бойлигига, маълум миқдордаги тил бирликларига эга эканлиги барчага маълум. Ўзбек тили ниҳоятда бой тил бўлиб, унинг лексик қатлами-ўз қатлам ва ўзлашган қатламдан ташкил топган. Ўз қатлам ўзбек тилига оид бўлган лексемалар ва шулар асосидаги ясалишлар, шунингдек ўз аффикси билан бошқа тил лексемаларидан ясалишлари тушунилади.

Ўзлашган қатлам ўз қатламга кўра, луғат составининг бойиш жараёнида устун бўлиб бормоқда.

Чунки ўзлаштириш ўз яшашга нисбатан, биринчидан, қулай, иккинчидан, прогрессив тиллар луғатида интернационал қатлам мавқеининг кучайишига олиб келади.

Ўзлашган қатламга хос лексемаларни ўз қатлам лексемалардан фарқлаб олиш ҳамма вақт енгил бўлавермайди. Чунки ўзлашган лексемалар ҳозирги ўзбек тилида салмоқли ўрин тутмоқда.

Тарихимиздан маълумки, араб тили Ўрта Осиёга ислом динининг тарқалиши билан бирга кириб келган. Шунинг учун ҳозирда, ўзбек тили луғат бойлигида арабча сўзлар анчагина.

Ўзбек тилидаги арабизмлар масаласига оид бир қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ф.А.Абдуллаевнинг “Арабизми в узбекском языке”,

Г.А.Қазақбаеванинг “Арабизми в узбекском языке в прикладном и теоретическом аспектах”,

Б.Х.Эшонкуловнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тилида арабча луғавий ўзлашмаларнинг парадигматик ассиметрияга муносабати”, А.С.Нишоновнинг “Фонетикоморфологический и лексикосемантический анализ арабизмов в языке Навои”, Д.О.Ҳасанованинг “Арабча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили номинатив ва дериватив тизимидаги ўрни”, Т.И.Раҳмоновнинг “Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар” ва бошқалар. Мазкур ишларнинг барчасида ўзбек тилидаги арабизмларнинг ўзлашиш омиллари, уларнинг ўрни, ривожланиши, таснифлаш ва ўзбек тилига хос сўз ясалиш усулларини аниқлаш масалалари ёритилган.

Шундай ютуқларга қарамай, ўзбек тилидаги арабизмларнинг ясалиш хусусиятлари тугал ечимини топмаган. Унинг тадқиқотга муҳтож жиҳатлари мавжуд. Юқорида ўрганилган тадқиқотларда, арабизмларнинг ўрганилиши

умумий планда кузатилган. Арабизмлар ўзбек тилида турли соҳаларда ўрганилган бўлиб, таълим соҳасида тадқиқ қилинмаган.

Ўзбек тилида таълим соҳасига оид арабизмларнинг тадқиқи ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда таълим соҳасининг жадал ривожланиши, мазкур соҳа терминологиясидаги мавжуд сўзларнинг таҳлилини талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилган. Таълимга оид ислохатларнинг барча йўналишлари ривожланиб, янгиланиб бормоқда. Таълим соҳаси узлуксиз таълимга асосланган ҳолда, тарихий ва инсонпарвар кадриятларга таянади ва янги педагогик технологияларни ривожлантиришга интилади.

Шу мақсадда, таълим соҳасидаги арабизмларнинг қўлланилиши доираси кенг бўлганлиги учун, уларнинг бир тизимга солиниши ва ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Таълим соҳасидаги арабизмлар, ўзбек тили изоҳли луғатидан жамланиб, классификацияси ишлаб чиқилди. Арабизмлар тематик гуруҳларга ажратиш, конкретлаштиришни талаб қилади. Ўз навбатида, рус олими А.В.Калинин тематик гуруҳларга ажратишни қуйидагича изоҳлайди: “Лексикадаги тематик гуруҳлар-сўзларнинг умумий жинс белгиларига кўра бир тема атрофига бирлашишидир”. Ўзбек олими Ф.Абдуллаев эса, ўзбек тилидаги арабча ўзлашмаларни тематик тасниф қилар экан, шундай деб ёзган: “Тилимиздаги турли тарихий даврларда кириб қолган араб сўзларини қуйидаги асосий лексик гуруҳларга бўлишимиз мумкин”.

Таълим соҳасидаги арабизмларни бир система шаклга келтириш, арабизмларни янада батафсил ўрганишга ундайди. Таснифлаш масаласи “Ўзбек тили лексикологияси” да арабча ўзлашма қатламни тематик, номинацион ва лексик-семантик хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратиш ўрганилган. Улар: *ижтимоий-сиёсий тузум, илмфанга оид сўзлар, адабиёт ва санъан тушунчаларига оид сўзлар, ишлаб чиқариш, саноат ва савдога оид сўзлар ва бошқалар* бўлиб таснифланган.

Таълим соҳасига оид арабизмларни ўрганиб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратилиши, уларни батафсил ўрганишга ёрдам беради. Улар қуйидаги гуруҳларга тақсимланиб, ўрганилди: 1) *Таълим соҳасига оид касб-ҳунар ва мансабунвонни ифодаловчи арабизмлар*; 2) *Таълим муассасаларини ифодаловчи арабизмлар*; 3) *Таълим соҳасида қўлланиладиган ўқув қуролларини ифодаловчи арабизмлар*; 4) *Таълим соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи арабизмлар*.

1. Таълим соҳасига оид касбхунар ва мансаб-унвонни ифодаловчи арабизмлар: مدير [mudir] «бошқарувчи, мудир», وزير [vazir] «вазир», رئيس [rais] «раҳбар, бошлик», كاتب [katib] «ёзувчи, котиб», معاون [muavin] «ёрдамчи, муовин», مسؤول [masul] «масъул шахс, жавобгар» ва бошқалар.

2. Таълим муассасаларини ифодаловчи арабизмлар: مدرسة [madrasa] «диний мактаб, ўқув юрти», مكتب [maktab] «мактаб, ўқув муассаса», مأمورية [mamuriyat] «бирор корхона ёки ташкилотнинг

бошқармаси» مؤسسه [muassasa] «идора, корхона, ташкилот», محكمة [mahkama] «бошқарма» ва бошқалар.

3. Таълим соҳасида қўлланиладиган ўқув қуролларни ифодаловчи арабизмлар: كتاب [kitab] «китоб», دفتر [daftar] «дафтар», ورق [varaq] «вароқ», جدول [jadval] «жадвал», قلم [qalam] «қалам», مجموعة [majmu'a] «мажмуа, тўплам», أثر [asar] «асар», ألفب [alifbe] «алифбо» ва бошқалар.

4. Таълим соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи арабизмлар: تصنيف [tasnif] «таснифлаш», تأسيس [tasis] «қуриш», تعريف [tarif] «таништириш, тушунтириш», تكرار [takrar] «такрорлаш», قراءة [qiraat] «ўқиш, қироат қилиш», إملاء [imla] «имло, орфография» ва бошқалар.

Ўзбек тилига ўзлашган арабизмларни абстракт ва конкрет маъноли деб иккига ажратиш мумкин. Мазкур арабизмлар ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланилади. Шунинг учун уларни конкрет маъноли арабизмлар деб аташ мумкин.

Ўрганилган таълим соҳасига оид арабизмлар, араб тилида турли сўз туркумларига мансуб сўзлар (сифатлар, масдар, сифатдошлар) ҳисобланади. Лекин ўзбек тилида уларнинг барчаси от туркумига киради. Чунки улар отлашган ҳолда қўлланилади.

Араб тилидан ўзлашган **харакат номлари (масдар)** ҳозирги ўзбек тилида от сўз туркумига тааллуқли: تقديم [taqdim] “тақдим”, تصنيف [tasnif] “тасниф”, تدبير [tadbir] “тадбир”, قبول [qabul] “қабул”, عقل [aql] “ақл”, تأسيس [tasis] “таъсис”, تعريف [tarif] “таъриф” ва бошқалар. Араб тилидаги **сифатдош формалари** ўзбек тилида от – عالم [alim] “олим”, شاعر [shair] “шоир”, كاتب [katib] “котиб”, متخصص [mutahassis] “мутахассис”, مرابي [murabbiy] “мураббий”, مؤلف [muallif] “муаллиф” ва бошқалар) ёки сифат – مناسب [munasib] “муносиб”, مركب [murakkab] “мураккаб”, مستحکم [mustahkam] “мустаҳкам”, منتظم [muntazam] “мунтазам”, مكمل [mukammal] “мукаммал”, عاقل [aqil] “оқил” ва бошқалар) туркумига мансубдир.

Берилган арабизмлар бугунги кунда кенг қўлланилади. Улар араб тилидаги ҳосила бобларнинг сифатдош ва масдар шаклларида ҳосил қилинган. Ўзбек тилига кирган арабий ўзлашмалар ўзбек тилида ўзига хос сингиш хусусиятларига эга. Тамоман ўзлашиб, сингиб кетган арабча сўзлар худди ўзбек тилининг ўз сўзларидек туюлади ва уларнинг этимологик жиҳатдан араб ўзагига алоқадор бўлган сўзлар экани сезилмайди.

Арабча сўзларнинг ўзбек тилига морфологик жиҳатдан мослашиши, арабча ўзакнинг ўзбек тилидаги грамматик қўшимчаларни қабул қила олиш хусусиятига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун уларнинг ўзбек тилига сингиб кетиши тезлашади.

Ўзлашган сўзнинг ўзга тилдаги “фуқоролик фаолияти” семантик мослашув (семантик ассимиляция) ва унинг даражасига боғлиқ бўлади. Ўзлашма семантик мослашувга тугал эришсагина, унинг бегоналиги, ўзга тилга хослиги унутилади. Шу босқичга етишгунча, ўзлашманинг ўзга тилдаги “фуқоролик фаолияти” да барқарорлик бўлмайди.

Таълим соҳасидаги арабизмларда ҳам семантик мослашув кузатилади. Таълим соҳасидаги муассасаларни ифодаловчи баъзи арабизмлар, مدرسة [madrasa] «диний мактаб, ўқув юрти», مكتب [maktab] «мактаб, ўқув муассаса» сўзлари, кириб келган тилда ифодаловчи маъносига кўра бироз фарқ қилади. Зеро, ҳозирги кунда мазкур сўзлар, бири – диний мактаб маъносини ифодаласа, иккинчиси – мактабни билдиради. Араб тилида эса, مدرسة [madrasatum] «ўрта мактаб», مكتب [maktabun] «ёзув столи» маъноларини ифодалайди.

Мазкур ҳодиса, семантик мослашувнинг тугал нуқтасида эканлигининг яққол мисоли деб биламиз. Чунки ўзга тилга мансублиги унутилиб, ўз тилнинг лисоний бирлиги мақомини қўлга киритган. Ўзга тилдаги маъносида эмас, балки ўзлашган тилга хос маъноларда фаол иштирок этмоқда.

Арабизмлар ўзбек тилига учта йўл билан кириб келган:

1) Арабча сўзлар ўзбек тилига бевосита араб тилининг ўзидан китоб, мадраса ва дин орқали ўзлаштирилган. Бу сўзлар диний лексикага оид бўлиб, абстракт маъноларни ифодалайди.

2) Арабча сўзлар ўзбек тилига араб тили билан яқин контактда бўлган, араб тилидан энг кўп таъсирланган форс-тожик тили орқали кирди.

3) Ўзбек тилидаги арабча сўзларнинг оғзаки тил орқали ўтганини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Араб оғзаки сўзлашув тилининг маҳаллий туркий шевалар билан тўқнашгани ва бу контакт туфайли ҳалқ тилига баъзи арабча сўзларнинг кирган бўлиши шубҳасиздир. Лекин бу йўл орқали кундалик турмуш ва ҳўжаликка оид сўзлар, конкрет предметлар, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат номлари кириб келган бўлиши керак. Оғзаки тил орқали кириб келган арабча ўзлашмалар бошқа манбалар орқали кирган сўзларга нисбатан камчиликни ташкил қилади. Буни ўзбек шевалари лексикасида арабча сўзларнинг камлиги ҳам тасдиқлайди.

Ўзбек тилига кириб келган арабизмларнинг, қабул қилувчи тилнинг луғавий ва сўз яшаш тизимига сингиб кетгани, сўзнинг тил луғат бойлигига тамоман мослашгани, тўлиқ ўзлашгани намоён бўлди. Зеро, бугунги кунда таълим соҳасидаги арабизмлар нутқий жараёнда кенг истеъмол қилинмоқда.

Ўзбек тилида арабизмларни тавсифлаш ва таснифлаш, уларнинг хусусиятларини, тематик гуруҳларини, ушбу ўзлашма қатламнинг ўзбек тилига кириб келиш сабабларини тадқиқ қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Аммо ўзбек тили луғат таркибидаги таълим соҳасига оид арабча ўзлашма қатламнинг барча хусусиятлари етарли тадқиқ қилинган эмас. Бу фикр

арабча лексемаларнинг ўзбек тили сўз яшаш тизимида ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилишга ҳам тегишлидир.

Ўзбек тилида арабча лексемалар барча сўз туркумини яшашда иштирок этади. Аммо улар от, сифат, феъл туркумини ҳосил қилишда фаолдир. Булар орасида от ясалиши мавқега кўра салмоқли ўрин эгаллайди. Бу иш ўзига хос жиҳатлари билан, илк бажарилган иш бўлганлиги туфайли камчиликлари бўлиши мумкин.

Келгуси ишларда ушбу камчиликларни бартараф этиб, амалда қўллашга ҳаракат қилинади.

Адабиётлар

1. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Рахматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Т. 1975.
2. Э.Бегматов Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари, Т. 1985. А.Ҳожиев, А.Ахмедов. Ўзбек тили лексикологияси, Т. 1981.
3. Хасанова Д.О., Арабча луғавий ўзлашмаларнинг ўзбек тили номинатив ва дериватив тизимидаги ўрни. филол.фан.номз. дисс.- Т.2011.
4. Баранов. Х.К. Большой арабско-русский словарь: в 2-х тт.- М.:Русский язык,2000. <http://www.edunews.ru> (Образование в Узбекистане).

